



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

11 (73) 2024

**Сопредседатели редакционной
коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЬЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А.ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

11 (73)

2024

ноябрь

www.bsmi.uz

https://newdaymedicine.com E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

УДК 616-036.22:574:614.1:312:1185987

ТУМАН МАРКАЗИДАН УЗОҚДА БЎЛГАН АХОЛИ ПУНКТЛАРИНИ ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИДАГИ МУАММОЛАР

Умуров Ш.С. E-mail: kugojasisinjen@gmail.com

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш., А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

Ҳозирда мустақил Ўзбекистонда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш йўлида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Табиий равишда сув таъминоти тизимлари кенгайиб, техник жиҳатдан такомиллашиб шу билан бирга мураккаблашиб бормоқда. Ер ости ва ер усти манбаларидан сув олувчи иншоотлар йириклашиб, сув ташиш масофалари узоқлашиб, сув тозалаш жараёнлари ҳамда иншоотлари вужудга келган экологик вазият ва шароитлар таъсирида мураккаблашиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти тизимини ривожлантиришга доир муҳим дастур ва лойиҳалар ҳаётга изчил татбиқ этилиши шаҳар ва туманлар, жумладан қишлоқ жойларда марказлаштирилган сув таъминоти ҳолатини тубдан яхшилаш имконини бермоқда. Республикада бир қанча қонуний меъёрлар мавжуд: Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш” тўғрисидаги қонун, ЎЗДСТ 950:2011 “Ичимлик суви. Гигиеник талаблар ва сувнинг сифатини назорат қилиш”, ЎЗДСТ 951:2011 “Марказлаштирилган ичимлик-хўжалик сув таъминоти манбалари. Гигиеник техник талаблар ва танлаш қондаси”, ҚМҚ 2.04.02-97 “Сув таъминоти. Ташиқ тармоқ ва иншоотлар”. Аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, ичимлик сувини оқилона ва самарали ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва реализация қилиш билан боғлиқ ҳал этилмаган қатор муаммолар мавжуд.

Калит сўзлар: ҚМҚ 2.04.02-97, ЎЗДСТ 951:201, сув таъминоти, ер ости сувлари, очиқ сув манбалари, СанҚваМ, микроорганизмлар, вабо, қорин тифи, дизентерия, гепатит “А”.

ПРОБЛЕМЫ С ОБЕСПЕЧЕНИЕМ ПИТЬЕВОЙ ВОДОЙ НАСЕЛЕННЫХ ПУНКТОВ, НАХОДЯЩИХСЯ ДАЛЕКО ОТ РАЙОННОГО ЦЕНТРА

Умуров Ш.С. E-mail: kugojasisinjen@gmail.com

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али Ибн Сины, Узбекистан, Бухара Ш., улица А.Навои. 1, Телефон: +998 (65) 223-00-50 E-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

В настоящее время в независимом Узбекистане проводится большая работа по обеспечению населения чистой питьевой водой. Естественно, системы водоснабжения расширяются, технически совершенствуются и одновременно усложняются. Водоприемные сооружения из подземных и поверхностных источников становятся все больше, расстояния транспортировки воды увеличиваются, а процессы и сооружения водоподготовки усложняются под влиянием условий и условий окружающей среды. Последовательная реализация важных программ и проектов по развитию системы питьевого водоснабжения в Республике Узбекистан позволяет коренным образом улучшить ситуацию с централизованным водоснабжением в городах и районах, в том числе в сельской местности. В нашей республике действует несколько правовых норм: Закон Республики Узбекистан «О воде и водопользовании», УзДСТ 950:2011 «Питьевая вода. Гигиенические требования и контроль качества воды», УзДСТ 951:2011 «Централизованные источники питьевого и хозяйственно-питьевого водоснабжения. Гигиенические технические требования и правила выбора», СМК 2.04.02-97 «Водоснабжение. Внешняя сеть и оборудование». Существует ряд нерешенных проблем, связанных с обеспечением населения качественной питьевой водой, рациональным и эффективным производством, доставкой и реализацией питьевой воды.

Ключевые слова: ҚМҚ 2.04.02-97, УзДСТ 951:201, водоснабжение, подземные воды, открытые водные источники, СанПиН, микроорганизмы, холера, брюшной тиф, дизентерия, гепатит «А».

PROBLEMS WITH PROVIDING DRINKING WATER TO SETTLEMENTS LOCATED FAR FROM THE DISTRICT CENTER

Umurov Sh.S. E-mail: kugojasisinjen@gmail.com

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali Ibn Siny, Uzbekistan, Bukhara Sh., street A. Navoi. 1 Phone: +998 (65) 223-00-50 E-mail: info@bsmi.uz

✓ *Resume*

Currently, significant efforts are underway in independent Uzbekistan to ensure the population has access to clean drinking water. Naturally, water supply systems are expanding, becoming technically more sophisticated and complex. Facilities that draw water from underground and surface sources are growing in scale, transport distances are increasing, and water treatment processes and facilities are becoming more complicated due to ecological conditions. Consistent implementation of key programs and projects to develop the drinking water supply system in Uzbekistan is leading to substantial improvements in centralized water supply in cities, districts, and especially rural areas. Several regulatory standards exist in the Republic: the Law of Uzbekistan on "Water and Water Use," UzDST 950:2011 "Drinking Water. Hygienic Requirements and Quality Control," UzDST 951:2011 "Centralized Drinking-Utility Water Supply Sources. Hygienic Technical Requirements and Selection Criteria," and QMQ 2.04.02-97 "Water Supply. External Networks and Facilities." There remain numerous unresolved issues related to the provision of high-quality drinking water, including efficient and effective production, delivery, and distribution.

Keywords: QMQ 2.04.02-97, UzDST 951:201, water supply, groundwater, open water sources, SanQvaM, microorganisms, cholera, typhoid fever, dysentery, hepatitis A.

Долзарблиги

Хозирги даврда сув таъминотини эколого-гигийеник баҳолаш, сув сифатини доимий меъёрда сақлаш мамлакатимиздаги долзарб муаммолардан бири саналади. Аммо аҳоли яшаш жойларининг ва саноат корхоналарининг чиқинди сувлари таркиби ва хоссалари сув манбаларининг турли ифлослантирувчи омиллари билан зарарланмоқда. Мана шу омиллар таъсирида аҳоли организмда турли сув билан боғлиқ касалликлар ҳозиргача учраб келмоқда. Аҳолининг ва атроф муҳитнинг бундай омилларга сезувчанлигининг ўсиши ва ривожланишида таъсири бор. Аҳолидаги сезувчанлик атроф муҳит омилларида экологик шароитидаги бузилишлар, саломатликка салбий зарари ҳамма аҳоли гуруҳларида бир хил эмас. Бу каби омиллар ирсиятга ҳам боғлиқ: Аҳолининг энг сезгир гуруҳида атроф муҳит ифлосланишидаги хусусан ичимлик сувнинг таъсири ҳар хил, баъзиларда юқори сезувчанлик кузатилса, бошқаларда бу реакция кузатилмайди, ёки гоҳ-гоҳида пайдо бўлади. Сув таъминоти билан боғлиқ аҳоли касалликларида юқумли ва паразитар касалликлар биринчи ўринда туради. Шу мавзуга доир бир қанча илмий изланишлар олиб борилган, аммо сув таъминоти билан боғлиқ айнан аҳоли касалланиши Нарпай туманида тўлиқ таҳлил қилинмаган. Бу эса мазкур тадқиқот ишининг олиб борилишига ва аҳолини касалланишига, сув таъминоти билан боғлиқ касалланиш омиллари таҳлилини олиб борилишига асос бўлади.

Тадқиқот мақсади: Аҳоли сув таъминотини эколого-гигийеник баҳолаш натижалари асосида аҳолининг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган соғломлаштириш профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Материал ва усуллар

Тадқиқотнинг асоси сифатида Нарпай туман аҳолисини сув таъминоти тизими олинган бўлса, объекти сифатида эса шу тумандаги аҳоли белгилаб олинди, санитар-тавсифий, инструментал, аналитик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Натижа ва таҳлиллари:

Глобаллашув даврида замонавий гигиена илми ва санитария амалиёти шуни тасдиқлайдики, инсон исте'мол қилаётган ичимлик суви сифати билан унинг саломатлиги ўртасида бевосита боғлиқлик бор, бу эса Ўзбекистон аҳолисини марказлашган сув таъминотида сифатли ичимлик



суви билан таъминлашда муаммолар мажмуасини ечиш муҳим ҳисобланади [1,4,5]. Чунки Ўзбекистоннинг кўпгина регионларида очик ва ер ости таъминоти сувларининг минерализатсияси ва умумий қаттиқлигини ўсиш жараёни интенсив ўсмоқда, бу эса махсус юқумли бўлмаган касалликларни ўсишига олиб келади, яъни минерал алмашинуви касалликлари, шу билан бирга ўт-тош касаллиги кўпайишига ва кенг тарқалишига олиб келади. Одам чанқаган пайтда ўзини лоҳас сезади, томоғи қуриб, кўнглига шодлик сиғмайди. Организмдаги сувсизлик ва ташналик сабабли кўзимиз атрофимиздаги маълумотларни олишда бир қанча тўсиқларга дуч келади [2,3,6]. Тўйиб сув ичиш натижасида организм барча ташвишларини бир зумда унутади ва нормал ҳаёт кечира бошлайди. Ичимлик суви бутун дунё стандартлари бўйича озик-овқат маҳсулоти сифатида таснифланади айни чоғда сайёраимизда 1 миллиард аҳоли санитария меъёрларига тўғри келмайдиган сувдан фойдаланаяпти, 2025 йилга бориб сув танқислигидан 2 миллиард киши азият чекиши кутилмоқда. Охирги 150 йил мобайнида аҳоли жон бошига нисбатан ичимлик суви 4 мартага камайиб кетган. Кейинги йилларда кўпгина касалликлар бевосита сифатсиз сув ичиш натижасида юзага келмоқда хусусан Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг экспертлари дунёдаги барча касалликларнинг 80 фоизи ифлосланган сув орқали юқишини аниқладилар [10,9,8]. Сувнинг касаллик тарқатувчи микроорганизмлар билан зарарланиши қорин тифи, дизентерия, вабо, вирусли гепатитнинг А тури каби бир қатор юқумли касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлиши мумкин. Қорин тифи сув орқали тарқалиши асосан очик марказлаштирилмаган ва марказлаштирилган сув тармоқларини бактериал ифлосланиши билан боғлиқ. Юқумли бўлмаган касалликларни келиб чиқиши сув таркибидаги кимёвий моддаларга боғлиқ бўлиб макроэлементлар (натрий, калий, калсий ва бошқалар) ва микроэлементларга ҳам боғлиқ. Ҳозирда сув таркибида 65 та микроэлементлар (темир, мис, рух, фтор, ёд ва бошқалар) аниқланган. Шуни қайд этиш керакки инсон организми ва ҳужайраларида сувнинг сақланиши турлича: 6 ҳафталик одам эмбриони 95%, яъни туғилган гўдакнинг тана оғирлигини 75%, 50 ёшли инсон организмнинг 60% сувдан ташкил тошган. Инсон организмидаги 70% сув асосан ҳужайра ичида, 30% эса ҳужайралардан ташқарида сақланади. Қон ва лимфа таркибида 7%, тўқималар суюқлигида 23% ни ташкил этади.

Ер қуррасида сувларнинг жойлашиши турлича. Ер ости сувларнинг ўзи камида уч хил чуқурликда жойлашган бўлади. Айрим ҳудудларда ер ости сув манбаларининг сифатини қониқарсизлиги санитар кимёвий кўрсаткичлар бўйича бўлиб, бунда умумий минерализатсия даражасининг юқорилиги темир, марганес ва бошқа табиий макроэлементларнинг миқдорини кўплиги билан характерланади [5,6]. Ер ости сувининг йиғилиши, сув ҳавзаларини пайдо бўлиши, унинг ҳаракати тоғ жинсларининг тузилишига боғлиқдир. Ер ости тоғ жинслари сувга нисбатан икки хил бўлади, яъни сув ўтказувчан ва сув ўтказмайдиган жисмлардир. Ўзбекистонда ер ости сувидан жуда кенг ва унумли фойдаланилади, чунки унинг миқдори гидрогеологларнинг фикрича 23.4 миллион км³ дир. Хорижий мамлакатлар ҳам ер ости сувларидан кенг қўламда фойдаландилар, хусусан, Японияда йилига 75 млрд 500 миллион тонна сув кишилар эҳтиёжи учун сарфланади ундан 13 млрд 300 миллион тоннаси ер ости сувига тўғри келади.

Хулоса

Юқорида келтирилган таҳлиллар асосида Марказий Осиёда хусусан Ўзбекистонда ҳам сув ресурслари соҳасида долзарб муаммоларни ҳал этишда янги техник ечимлар қидириш шу кунининг долзарб муаммоси ҳисобланади. Ҳозирги кунда Марказий Осиё минтақаси улкан инфратузилмавий, жумладан, сув таъминоти соҳасидаги муаммоларга дуч келмоқда. Шу билан бирга аҳоли ўртасида ичимлик суви билан боғлиқ касалланиш ҳолатларини ўрганиш, сув сифатини яхшилашга қаратилган профилактик чора тадбирларни белгилаш ва уларни ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш ётади. Кейинги йилларда кўпгина касалликлар бевосита сифатсиз сув ичиш натижасида юзага келмоқда хусусан Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг экспертлари дунёдаги барча касалликларнинг 80 фоизи ифлосланган сув орқали юқишини аниқладилар. Сувнинг касаллик тарқатувчи микроорганизмлар билан зарарланиши қорин тифи, дизентерия, вабо, вирусли гепатитнинг А тури каби бир қатор юқумли касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлиши мумкин. Қорин тифи сув орқали тарқалиши асосан очик марказлаштирилмаган ва марказлаштирилган сув тармоқларини бактериал ифлосланиши билан боғлиқ. Юқумли бўлмаган касалликларни келиб чиқиши сув таркибидаги кимёвий моддаларга яъни макроэлементлар (натрий, калий, калсий ва бошқалар) ва микроэлементларга боғлиқ.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Nurov A.S. Current Problems in Providing the Population with Clean Drinking Water //American Journal of Pediatric Medicine and Health Sciences. American Journal of Pediatric Medicine and Health Sciences, 2023; P.240-242.
2. Nurov A.S. Existing Problems in Providing the Population With Drinking Water Through Underground Water Sources // Maliy va tibbiyot fanlari ilmiy jurnali, 2023; P.77-79.
3. Nurov A.S. Cleaning of Open Water Bodies From Waste Water From Production Enterprises //Amaliy va tibbiyot fanlari ilmiy jurnali 2023; P.80-82.
4. Шеркузиева Г. Ф., Самигова Н. Р., Умуров Ш. С. (2022). Аҳолининг кудук сувларидан фойдаланиш эколого-гигиеник аспекти (Досторал диссертацион, Тошкент).
5. Nurov A.S. Current Problems in Providing the Population with Clean Drinking Water //American Journal of Pediatric Medicine and Health Sciences. American Journal of Pediatric Medicine and Health Sciences 2023; P.240-242.
6. Nurov A.S. Strategies and approaches to reach out-of-school children and adolescents //European journal of modern medicine and practice 2023;3(30):56-58.
7. Шеркузиева Гузал Фахритдиновна, Наргиз Раимовна Самигова, Шамсиддин Сатторович Умуров. Аҳолининг кудук сувларидан фойдаланиш эколого-гигиеник аспекти. Дисс. Тошкент, 2022.
8. Шеркузиева Г. Ф., Саломова Ф. И., Умуров Ш. С. Касалхона ички инфекцияси муаммолари //Ташкентская медицинская академия, кафедра эпидемиологии Казахский национальный медицинский Университет имени СД Асфендиярова. 2023; С. 78.
9. Ibrohimov K.I. Effect of Smoking on the Mineralizing Ability of Oral Fluid //International journal of health systems and medical sciences. 2023;2/11(2/2):11-12.
10. Ibrohimov K. I. Research of Dust Content in the Air in Production Premises of a Grain Processing Enterprise //Vital Annex: International Journal of Novel Research in Advanced Sciences. 2022;1(3):76-80.

Қабул қилинган сана 20.10.2024